

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2024 йил октябрь ойининг 4 куни жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи П.Маматусмонов, Н.Каримжоновнинг котиблигида, тарафлардан Қўқон шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси А.Мўминов, судланувчилар С.Йўлдошев, А.Исақов, А.Бегматов ва уларнинг ҳимоячиси адвокат М.Худойназаров, қонуний вакил А.Юлдашев, жабрланувчи вояга етмаган Қаҳрамонов Абдуқодир Абдуқаххор ўғли ва унинг қонуний вакили Қ.Каримоваларнинг иштирокида, судланувчилар Йўлдошев Султонхон Баҳодиржон ўғли, Исақов Ақром Иқромжон ўғли ва Бегматов Азимжон Азам ўғлига оид 1-1503-2404/711-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Йўлдошев Султонхон Баҳодиржон ўғли (Yo'ldoshev Sul-tonxon Bahodirjon o'g'li) –2004 йил 26 августда Қўқон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, ёлланма ишчи, уйланмаган, депутатликка сайланмаган, давлат мукофотлари олмаган, ҳарбий хизматга мажбур, муқаддам 22.05.2020 йилда жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди айбли деб топилиб, ЖКнинг 87-88-моддаларига асосан жазодан озод этилиб, жабрланувчидан узр сўраш мажбурлов чораси қўлланилган, Қўқон шаҳар, Толзор МФЙ, Элакбоф кўчаси, 7-уйда яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси сифатида «Муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат» қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 6 август куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и,м” бандлари билан;

Исақов Ақром Иқромжон ўғли (Isaqov Akrom Ikromjon o'g'li), –2005 йил 12 октябрда Қўқон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, ёлланма ишчи, уйланмаган, депутатликка сайланмаган, давлат мукофотлари олмаган, ҳарбий хизматга мажбур, муқаддам судланмаган, Қўқон шаҳар Зиёлилар МФЙ, Янги ҳаёт кўчаси, 7-уйда яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси сифатида «Шахсий кафиллик» қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 6 август куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и,м” бандлари билан;

Вояга етмаган Бегматов Азимжон Азам ўғли (Begmatov Azimjon Azam o'g'li) –2006 йил 14 июлда Қўқон



шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, ёлланма ишчи, уйланмаган, депутатликка сайланмаган, давлат мукофотлари олмаган, ҳарбий хизматга мажбур, муқаддам судланмаган, Қўқон шаҳар, Толзор МФЙ, Элакбоф кўчаси, 7-уйда яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси сифатида «Шахсий кафиллик» қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 6 август куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и,м” бандлари билан айбланганлар.

Суд, судланувчилар ва жабрланувчининг кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида тўпланган далилларни суд мажлисида текшириб, тарафларни музокараси ва судланувчиларнинг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи С.Йўлдошев 2024 йил 23 февраль куни соат 23:00 ларда танишлари судланувчи вояга етмаган А.Бегматов, А.Исақов ва унга нисбатан қидирув эълон қилиниб, жиноят иши алоҳида иш юритувига ажратилган шахс билан бир гуруҳ бўлганлари ҳолда, тергов ҳаракатлари давомида аниқлашни имкони бўлмаган таёқ, газ балонлар билан қуролланиб, таниши жабрланувчи вояга етмаган А.Қахрамонов билан ўрталаридаги эски зиддият бўйича гаплашиб олиш мақсадида Қўқон шаҳар, Привокзалний кўчасида учрашиб, ўзаро гап таллашиб тортишиб кетиб, жанжаллашиб, жанжал давомида судланувчи С.Йўлдошев ва унинг жинойий шериклари судланувчи вояга етмаган А.Бегматов, А.Исақов ҳамда унга нисбатан қидирув эълон қилиниб, жиноят иши алоҳида иш юритувига ажратилган шахслар биргаликда қўлларидаги қуролни ёки совуқ қурол қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ашёлар билан вояга етмаган жабрланувчи А.Қахрамоновни танасининг турли жойларига қасдан уриб, унга ўртача оғирликдаги тан жароҳат етказган.

Судга оид тиббий экспертизанинг 04.03.2024 йилдаги №951-сонли хулосасига кўра, вояга етмаган А.Қахрамоновда бош мия ёпиқ шикасти, бош мия чайқалиши, ўнг қўл 4-бармоқ тирноқ фалангасини ёпиқ синиши ва шу соҳа атрофидаги юмшоқ тўқималарини лат ейиши, бош тепа соҳасида, чап чаккасида, бош тепа-энса соҳасида йиртилган яралари, ўнг ва чап тирсак бўғими, чап елкасида, ўнг ва чап тизза бўғимида, чап курагида, кўкрак қафасида, чап думбани ташқи квадратида шилинмалари, бели чап томонида қонталлаши каби тан жароҳатлари аниқланган бўлиб, аниқланган тан жароҳатлари 21 кундан кўп бўлган муддатга соғлиқни бузилишига олиб келадиган ўртача оғирликдаги тан жароҳатлар туркумига киришлиги кўрсатилган.

Судланувчи С.Йўлдошев судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, судланувчи А.Исақов таниши, А.Бегматов амакиваччаси бўлиши, А.Хабибуллаев ва А.Қодировларни танимаслиги, 2024 йил бошларида Акромжон билан кейинчалик билган жабрланувчи Абдуқодир ва унинг таниши Равшан исмли йигитлар билан ўзаро гап таллашиб, тортишиб қолиб, Абдуқодир ва унинг шериги



Равшанлар Акрамжон икковини роса уришгани, бирор жойга мурожаат қилишмагани, 2024 йил 23 февраль куни соат 20:30 ларда Азим (Аббос)ни Тико автомашинасида Акрамжон, у ва Азим биргаликда кетаётганларида, маҳаллада Акрамжонни синфдошлари Асадбек ва Авазхонларни кўриб қолиб, уларни ҳам ўзлари билан олиб кетишгани, Қўқон шаҳридаги “777” номли автомашина ювиш жойи яқинига келганларида Абдуқодир бир нечта ўртоқлари билан йўлакда келаётганини кўриб, уларни ёнига тўхтаб, автомашинадан тушишгани, Абдуқодир Азимжонни қўли билан урганида, Азимжон эгилиб унга чап бергани, шунда ён томонда турган Асадбек Абдуқодирга мушт отганида, ўзаро ҳаммалари жанжаллашиб кетишгани, жанжалга Абдуқодирни ёнидаги йигитлар аралашмасдан орқага қайтиб юборганлигини кўриб, Абдуқодир қочиб кетгани, улар Азим (Аббос)ни Тико автомашинасига ўтириб, унинг ортидан қувишгани, ўша ердаги йўлни четидан турган Спарк автомашинасига ўтирганлигини кўриб, йўлни нариги томон четига тўхташгани, у Азимжонни автомашинасида турган таёқ (райка)ни қўлига ушлаб олгани, улар Спарк автомашинаси олдида югуриб боришганида автомашина бироз олдинга юриб, ўша ердаги савдо дўкони олдида бурилиб тўхтагани, улар ушбу автомашина олдида бориб, Спарк автомашинаси ҳайдовчи эшигини очик турган пайтида у ўша томондан олд ўриндикда ўтирган Абдуқодирни бир марта қўлидаги таёқ билан ургани, қолган шериклар эшикни очиб, Абдуқодирни автомашинадан туширганидан сўнг, ўша ерда у ва Аббос (Азим) қўлларидаги таёқлар билан, Акрамжон ва Асадбеклар эса қўл оёқлари билан Абдуқодирни уриб, тепиб ташлашгани, Акрамжонни ўртоғи Авазбек улар билан бирга борган бўлса-да Абдуқодирни уларга қўшилиб урмагани, у четдан туриб кузатиб тургани, Абдуқодирни ерга ётқизиб урганлари учун, у ўрнидан тура олмай қолгани, Абдуқодирни ўртоқлари яқинлашиб қолганлигини ва ўша ердаги катта акалар бўлди қилишларини айтганлиги учун уни уришдан тўхташгани, Абдуқодирни ўртоқлари югуриб келганида улар жанжал катталлашиб кетмаслиги учун кетиб юборишгани, улар вокзал томонга кетаётганларида Абдуқодирни урган таёқларни ташлаб юборганлари, жанжал вақтида Абдуқодирни қўлидаги райка таёқ билан ургани, сўнг ҳаммалари уйларига тарқалишгани, Абдуқодир уларни ярашиб олиш учун чақиргани, лекин, Азимжонни юзига урганлиги учун урушиб, жанжаллашиб кетишгани, Асадбекни ёнида ҳам қўлида ҳам газ балон борлигини кўрмагани, Асадбекни Абдуқодирга газ балон сепганлигини ҳам билмаслиги, жабрланувчи А.Қахрамоновдан кечирим сўрагани, унга етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаб бергани, ҳозирда даъвоси йўклиги, қилмишидан пушаймонлиги ҳақида кўрсатув бериб, енгиллик беришни сўради.

Судланувчи А.Исақов судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам С.Йўлдошев ва А.Бегматовлар билан кўчадаги таниш ўртоқ эканлиги, А.Хабибуллаев ва А.Қодировлар синфдоши бўлиши, 2024 йил бошларида Султон ака билан кейинчалик билган жабрланувчи Абдуқодир ва унинг таниши Равшан исмли йигитлар билан ўзаро гап таллашиб, тортишиб қолганлари, уларни уришгани, бирон жойга мурожаат қилишмагани, 2024 йил 23 февраль куни соат 21:00 ларда кўришиб, гаплашиб олиш учун Абдуқодир уларни чақиргани, соат 20:30 ларда Азим (Аббос)ни Тико автомашинасида Султон акаси, у ва Азим биргаликда кетаётганларида, маҳаллада синфдошлари Асадбек ва Авазхонларни



кўриб қолиб, улар ҳам бирга боришларини билдириб, автомашинага чиқиб олишгани, Қўқон шаҳридаги “777” номли автомашина ювиш жойи яқинига келганларида Абдуқодир бир нечта ўртоқлари билан йўлакда келаётганини кўриб, йўлни бироз очиқ ерида тўхтаб, автомашинадан тушишгани, шунда Султон ака ва Азим (Аббос) кўлига таёқ олиб автомашинадан тушишгани, Аваз, у ва Асадбек шундай ҳеч нарчасиз автомашинадан тушишгани, ҳаммалари Абдуқодир ва унинг ўртоқлари олдига боришгани, Абдуқодирни олдида турган йигитлардан Равшанни танигани, улар билан саломлашиб турганларида, Абдуқодир Азимжонни кўли билан ургани, Азимжон эгилиб унга чап бергани, шунда ён томонда турган Асадбек Абдуқодирга мушт отганида, ўзаро ҳаммалари жанжаллашиб кетишгани, жанжалга Абдуқодирни ёнидаги йигитлар аралашмасдан орқага қайтиб юборганлигини кўриб, Абдуқодир қочиб кетгани, улар Азим (Аббос)ни Тико автомашинигасига ўтириб, унинг ортидан қувишгани, ўша ердаги йўлни четида турган Спарк автомашинасига ўтирганлигини кўриб, йўлни нарги томон четига тўхтаб, Спарк автомашинаси олдига югуриб боришгани, Спарк автомашинаси бироз олдинга юриб, ўша ердаги савдо дўкони олдига бурилиб тўхташгани, улар ушбу автомашина олдига бориб, Абдуқодирни автомашинадан тортиб ерга туширишгани, ўша ерда Султон ака, Аббос (Азим) лар кўлидаги таёқлар билан, у ва Асадбек эса кўл оёқлари билан Абдуқодирни уриб, тепиб ташлашгани, синфдоши Авазбек улар билан бирга борган бўлса-да, Абдуқодирни уларга кўшилиб урмагани, у четдан туриб кузатиб тургани, Абдуқодирни ерга ётқизиб урганлари учун, у ўрнидан тура олмай қолгани, Абдуқодирни ўртоқлари яқинлашиб қолганлигини ва ўша ердаги катта акалар ажратишганлиги учун уни уришдан тўхташгани, Абдуқодирни ўртоқлари югуриб келганида улар жанжал катталлашиб кетмаслиги учун кетиб юборишгани, у жанжал вақтида Абдуқодирни кўл ва оёқлари билан уриб тепгани, кўлидан бирор бир жисм бўлмагани, Султон ака ва Азим (Аббос) кўлларига таёқ олиб уришгани, у кўлига ҳеч қандай жисм олмагани, синфдошлари Асадбек ва Авазлар йўлдан чиққанлиги ва улар қаерга кетаётганлигини билмаганлиги учун уларни ҳам кўлларига ҳеч нарса бўлмагани, видеода кўрган учли чопқисимон нарсани жанжал вақтида кўрмагани, жанжал вақтида газ балонни кўрмагани, жабрланувчи А.Қахрамоновдан кечирим сўрагани, унга етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаб бергани, ҳозирда даъвоси йўқлиги, қилмишидан пушаймонлиги ҳақида кўрсатув бериб, енгиллик беришни сўради.

Судланувчи вояга етмаган А.Бегматов қонуний вакили А.Юлдашевнинг иштирокида судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, С.Йўлдошев амакиваччаси бўлиши, жабрланувчи А.Қахрамоновни таҳминан бир йилдан буён таниши, Абдуқодир билан ўзаро урушиб қолганидан кейин у билан мулоқот қилмай кўйгани, А.Исақов, А.Хабибуллаев ва А.Қодировларни танимаслиги, 2024 йил 23 февраль куни соат 17:00 ларда унга Султонхон кўнғироқ қилиб, Абдуқодир у билан кўришмоқчи бўлаётганлигини, ўрталаридаги келишмовчилик бўйича ярашиб олмоқчи бўлаётганлигини айтгани, сўнг ўзига тегишли Тико русумли 40 Ж351ҲА автомашинасида Султонхон, Акрам, Асадбек ва Авазлар билан бирга Замин чойхонасидан ўтиб, “777” номли автомашина ювиш шаҳобчаси томонга боришгани, у ерда Абдуқодирни 3-4 нафар ўртоқлари билан кетаётганлигини



кўриб, автомашинани улардан биров олдиндаги йўлни очиклик жойида тўхтатгани, ҳаммалари автомашинадан тушиб, Абдуқодирни олдига боришгани, у билан саломлашганларидан кейин Абдуқодир унга мушт туширганида эгилиб қолгани, унинг қўли бошига теккани, шунда улар билан борган Асадбек Абдуқодирни юз қисмига бир мушт туширгани, ўша ерда жанжал бошланиб кетганида Абдуқодир сумкасида бир нима олмоқчи бўлгани, унинг ўртоқлари жанжалга қўшилмасдан орқага ўзларини ташлаганлигини Абдуқодир кўриб, сумкасини ташлаб югуриб қочиб кетгани, шунда Абдуқодирни сумкасида кўриниб турган таёқни қўлига олгани, автомашинага ҳаммалари ўтириб, Абдуқодирни ортидан қувишгани, Абдуқодирни ўша ердаги йўлни четида турган Спарк автомашинасига ўтирганлигини кўриб, йўлни нариги томон четида тўхтаб, автомашинадан тушишгани, улар Спарк автомашинаси олдига югуриб боришгани, Спарк автомашинаси биров олдинга юриб, ўша ердаги савдо дўкони олдига бурилиб тўхтагани, улар ушбу автомашина олдига бориб, Спарк автомашинаси ҳайдовчи эшигини очик турган пайтида у автомашина олд томонидан айланиб, олд ўриндиқда ўтирган Абдуқодирни олдига боргани, Султонхон, Асадбек, Акрамлар ҳам у томонга ўтишгани, ундан ташқари Султонхон, Акрам, Асадлар Абдуқодирни автомашинадан туширишгани, ўша ерда у ва Султонхон қўлларидаги таёқлар билан, Акримжон ва Асадбеклар эса қўл оёқлари билан Абдуқодирни уриб, тепиб ташлашгани, Акримжонни ўртоғи Авазбек урушга қўшилмагани, у четдан туриб томоша қилиб тургани, Абдуқодир ўрнидан тура олмай қолгани, Абдуқодирни ўртоқлари яқинлашиб қолганлигини ва ўша ердагилар ажратганлиги учун уни уришдан тўхтаб, кетиб юборишгани, вокзал томонга кетаётганларида Абдуқодирни урган таёқларни ташлаб юборишгани, Абдуқодир Султонхонни гаплашиб, ярашиб олиш учун чақиргани, жанжалда газ балондан ҳеч ким фойдаланмагани, жабрланувчи А.Қахрамоновдан кечирим сўрагани, унга етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаб бергани, ҳозирда даъвоси йўқлиги, қилмишидан пушаймонлиги ҳақида кўрсатув бериб, енгиллик беришни сўради.

Гарчанд, судланувчилар С.Йўлдошев, А.Исақов ва вояга етмаган А.Бегматовлар айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатув берган бўлсалар-да, уларнинг жиноят содир этганликдаги айби қуйидагилар билан ҳам исботланган, жумладан:

жабрланувчи А.Қахрамонов қонуний ваили Қ.Каримова иштирокида суд мажлисида, судланувчи С.Юлдашев ва А.Бегматовларни 2-3 йилдан буён таниши, 2024 йил бошида Султонхон билан унинг ўртоқларини ортидан гап таллашиб, тортишиб қолгани, 2024 йил 23 февраль куни соат 21:00 ларда Султонхонни қариндоши Аббос (Азим) унга телефон қилиб, Султон билан ўрталарида бўлган келишмовчилик бўйича гаплашиб олишларини айтгани, ўртоқлари Б.Шокиров, Р.Махмудов ва А.Иномжоновлар билан бирга вокзал томонга пиёда кетаётиб, “777” номли автомашина ювиш шаҳобчаси олдида етиб келганларида, йўлини қисиб, қизил рангли Тико автомашинаси тўхтагани, Тико автомашинаси ичидан Аббос, Султон ва яна унга олдиндан нотаниш бўлган кейинчалик билган Асадбек ва яна иккита бола жами 5 киши автомашинадан тушишгани, ўртоқлари орқада қолишгани, уларни олдига бориб саломлашиб,



улардан нима гаплари борлигини сўрашга улгурмасимдан Асад уни юз қисмига газ баллон сепиб юборгани, кўзи ёшланиб, бир муддат ҳеч нарсани кўрмай қолгани, ўша вақтда уни бош қисмига ва танасини турли жойларига таёқ билан зарбалар келиб тушгани, ўрнидан туриб, ўша ердаги яқин магазин томонга қараб югургани, уни ортидан Султон ва унинг ўртоқлари қувлашгани, у йўлни четида турган оқ рангли Спарк русумли автомашинага ўтириб, унга тезроқ олиб кетишини айтгани, Спарк автомашинаси ҳайдовчиси уни калтак еб қочиб келаётган ахволини кўриб, автомашинадан тушишини, муаммога аралаштирмаслигини айтгани, автомашина ҳайдовчиси автомашинасини дўкон томонга буриб тўхтагани, Султонхон ва унинг шериклари Спарк автомашинасини иккала томондан очишга ҳаракат қилишгани, у ўтирган эшикни очиб, юзига Асадбек яна газ баллон сепгани, у яна ҳеч нарсани кўрмай, кўзи ёшланиб, бурни оқиб кетгани, уни автомашинадан тортиб туширишиб, ерга ётқизиб ҳар томондан уриб тепишгани, Султонхон ва унинг ўртоқларини кўлида таёқлар ва газ баллон бўлганлиги учун савдо дўконини олдидаги одамлар келиб, ажрата олишмагани, улар уни уриб, тепиб ҳолсиз аҳволдалигини кўриб, ҳаммаси кетиб юборишгани, шунда уни ортидан келган ўртоқлари кўтариб дўкон олдида олиб боришгани, боши қонаётганлиги ва кўзи газ баллон сепилганлиги учун ёшланиб турганлигини кўрган ўртоқлари бошидан сув сепишгани, дўкондан сут олиб чиқишиб, сут билан юзини ювиб, газ баллонни куйдирган жойларини кеткизгани, бироз ўтириб ўзига келганидан сўнг, тез ёрдам машинаси келиб уни шифохонага олиб кетгани, у шифохонада 5 кун ётиб даволангани, ундан кейин уйда ётиб даволангани, соғлигини тикланиши учун тахминан 5.000.000 сўмдан ортиқ пул сарф қилгани, ўртоқлари орқароқда қолгани, Аббос ва унинг шериклари газ балон сепиб, қўлларида таёқлар билан урганлиги учун улар ёнига келишга кўркишгани, ўртоқлари жанжалга аралашмаганлиги учун улар жароҳат олмагани, судланувчилар ундан кечирим сўраб, етказилган моддий зарарларни қоплашиб беришгани, судланувчи С.Йўлдошев, А.Исақов ва А.Бегматовларга нисбатан моддий ва маънавий зарарлар бўйича ҳеч қандай давоси йўқлиги ҳақида кўрсатув бериб, уларга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ А.Хўжаев суд мажлисида, ҳақиқатдан ҳам 2024 йил 23 февраль куни Қўқон шаҳар ҳудудида киракшлик қилиб юргани, шу куни соат 21:00 ларда Вокзал томонга иш билан борганлиги учун “Яндекс такси” МЧЖ офисига кириб ўтмоқчи бўлиб, офисга яқинлашганида автомашинасига тўсатдан нотаниш бўлган кейинчалик билган жабрланувчи А.Қахрамонов олд ўриндиққа ўтиргани, унга “ака ҳайданг, ҳайдинг тезроқ” деб шошилиб гапириб, эшикни қулфлаб олгани, уни шошилиб ўтирганлигидан шубҳаланиб, ҳар хил ҳаёлга бориб, ундан нима бўлаётганлигини сўраб, офисни олдида бурилиб, автомашинани тўхтатиб, автомашинадан тушишини айтгани, шу вақтда автомашинани у ўтирган томон эшигини нотаниш бир бола очгани, шунда уни бир шериги кўлида таёқ билан келиб, бир марта ичкарига урмоқчи бўлиб таёқни тикиб олгани, у олд ўриндиқда ўтирган болага ҳам қараганлиги учун таёқ унга тегмагани, эшигини очган бола, уни эшигидан барча эшикларни очиш кнопкасини босиб, ҳамма эшикларни очиб юборгани ва ўртоқларига уни бегона



эканлигини айтгани, 4-5 нафар болалар уни автомашинасидан олд ўрндикқа ўтирган болани тортиб олиб, ерга ётқизиб уриб, тепиб ташлашгани, ураётган болаларни қўлларида таёқ ва болғачага ўхшаш учли нарса ҳам бўлгани, лекин аниқ нима эканлигини билмаслиги, улар ҳаммаси аямасдан жабрланувчи А.Қахрамоновни танасини дуч келган жойига уриб, тепиб, унга газ балон ҳам сепишгани, у автомашинадан тушиб уларни олдига ўтиб, ерда ётган жабрланувчи А.Қахрамоновни ахволини кўриб, ураётганларга “бўлди, хозир ўлдириб қўясизлар” деб гапиргани, ўша ерда турганлардан ҳеч ким ажратиш учун келмагани, у жанжаллашган йигитларни ҳеч бирини танимаслиги, жабрланувчи А.Қахрамоновни танишлари келганида ураётган йигитлар Тико автомашинасига ўтириб қочиб кетишгани, тез ёрдамга қўнғироқ қилгани, жабрланувчи А.Қахрамоновни ўртоқлари дўкондан сут олиб чиқиб, шифокорлар келгунича газ балон сепилганлиги учун юзларини ювишгани, шифокорлар келиб, жабрланувчи А.Қахрамоновни олиб кетишгани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Қодиров суд мажлисида, 2024 йил 23 февраль куни соат 18:00 ларда ўртоғи А.Хабибуллаев билан гаплашиб турган вақтида ўртоғи А.Исаков ўртоқлари билан бирга келгани, икковлари ҳам Азимжонни бошқарувидаги Тико автомашинаси орқа ўриндиғига Асадбек билан Акрамжонни ёнига ўтиришгани, Қўқон шаҳрини айланиб, соат 21:00 ларда уйга қайтиб кетаётган вақтларида, кейинчалик билган жабрланувчи А.Қахрамонов Аббос исмли болага телефон қилиб, Қўқон шаҳридаги поезд вокзали томонга келишини айтгани, биргаликда Қўқон шаҳридаги “777” номли автомашина ювиш жойи яқинига келишгани, кейинчалик билган Абдуқодир бир нечта ўртоқлари билан йўлакда кетаётгани, улар келаётган йўлни бироз очиқ ерида тўхтаб, автомашинадан тушишгани, шунда Султон ака ва Азим (Аббос), у, Акрамжон ва Асадбек ҳам автомашинадан тушишгани, ҳаммалари Абдуқодир ва унинг ўртоқлари олдига боришгани, Абдуқодирни олдида турган йигитлардан ҳеч бирини танимагани, улар билан саломлашиб турганларида, Абдуқодир Азимжонни кўли билан урганида, Азимжон эгилиб унга чап бергани, шунда ён томонда турган Асадбек Абдуқодирга мушт отганида, ўзаро жанжал бошланиб кетгани, у Султон ака, Азим, Акрамжон ва Асадбекларни орқасида бўлганлиги учун жанжалга қўшилмагани, жанжалга Абдуқодирни ёнидаги йигитлар аралашмасдан орқага қайтиб юборганлигини кўриб, Абдуқодир қочиб кетгани, улар Азим (Аббос)ни Тико автомашинасига ўтириб, унинг ортидан қувишгани, ўша ердаги йўлни четида турган Спарк автомашинасига Абдуқодирни ўтирганлигини кўриб, йўлни нарғи томон четида тўхташгани, Спарк автомашинаси олдига Султон ака, Азимжон, Акрам ва Асадбеклар югуриб кетишгани, уларни ортидан секин Спарк автомашинаси томонга қараб юргани, Спарк автомашинаси бироз олдинга юриб, ўша ердаги савдо дўкони олдига бурилиб тўхтагани, ундан олдинда югуриб кетган Султон ака, Азимжон, Акрамжон, Асадбеклар автомашина олдига бориб, Абдуқодирни автомашинадан тортиб ерга туширишгани, ўша ерда Султон ака, Аббос (Азим) лар қўлидаги таёқлар билан, Акрамжон ва Асадбек эса қўл оёқлари билан Абдуқодирни уриб, тепиб ташлашгани, у ерда ҳеч ким билан тортишмаганлиги,



Абдуқодирни танимаганлиги ва у билан ҳеч ким жанжаллашмаганлиги учун уларни жанжалига қўшилмагани, Абдуқодирни ерга ётқизиб уришганлиги учун, у ўрнидан тура олмай қолгани, Абдуқодирни ўртоқлари яқинлашиб қолганлигини ва ўша ердаги катта акалар ураётганларга бўлди қилишларини айтганлиги учун танишлари уни уришдан тўхтаб, кетиб юборишгани, жанжал вақтида ҳеч кимни урмагани ва ҳеч кимга тан жароҳати етказмагани ҳақида кўрсатув берди.

Бундан ташқари, судланувчи О.Йўлдошев ва Р.Исақовларни айби жиноят ишдаги хабарномалар, тушунтириш хатлари, далилий ашёни олиш ҳақида баённома ва олинган далилий ашё, судга оид тиббий экспертиза хулосалари, судланувчиларнинг шахсига оид ҳужжатлар, гувоҳларнинг дастлабки терговдаги кўрсатувлари ҳамда иш материалларида тўпланган ва судда текширилган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарорининг 16-бандида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олинishi лозим. Шундан келиб чиқиб, судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан ҳолисона исботланган тақдирдагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олиши;

Қарорнинг 21-бандида айблов ҳукмининг тавсиф қисмида, судланувчининг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиши, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиши керак, шу билан бирга, ҳукмда судланувчининг айбини исботлашга, жиноятнинг квалификациясига ёки жазо тайинлашга алоқадор бўлган кўрсатувларигина акс эттирилиши лозим.

Судланувчи томонидан ўзининг суриштирув ва дастлабки терговда берган кўрсатувларини ўзгартирган тақдирда суд унинг бу ва бошқа кўрсатмаларини батафсил текшириши ва уларга иш бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан биргаликда баҳо бериши лозим деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандида Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, баданга шикаст етказишга оид ишлар бўйича қилмишни тўғри квалификация қилиш учун айб шакли, баданга шикаст етказиш мотиви, мақсади ва усули, айбдорнинг қилмиши билан келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги, шунингдек ишнинг тўғри ҳал этилиши ва айбдорга адолатли жазо белгиланиши учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар батафсил аниқланиши лозимлиги, 3-бандида жиноят кодекси [104—110-моддалари](#) бўйича жавобгарлик айбдорда мазкур моддалар диспозициясида кўрсатилган



шикастни бошқа бир одамга ҳуқуққа хилоф равишда етказишга нисбатан қасд (тўғри ёки эгри) мавжуд бўлгандагина келиб чиқади.

Агар айбдор ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий хавфли эканлигини англаса, жабрланувчи баданига муайян даражада шикаст етказиши мумкинлигига кўзи етса ва шуни хоҳласа ёинки хоҳламасада, бунга онгли равишда йўл қўйса ёки ўз қилмишидан келиб чиқадиган оқибатларга бефарқ қараса, барча қилмиш аслида келиб чиққан оқибатлар бўйича квалификация қилиниши ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Тергов органи томонидан судланувчи С.Йўлдошев, А.Исаков ва А.Бегматовларни ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “м” банди билан малакалаб хатоликка йўл қўйган.

Суд мажлисида аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи С.Йўлдошев танишлари судланувчи вояга етмаган А.Бегматов, А.Исаков ва унга нисбатан қидирув эълон қилиниб, жиноят иши алоҳида иш юритувига ажратилган шахс билан бир гуруҳ бўлганлари ҳолда, тергов ҳаракатлари давомида аниқлашни имкони бўлмаган таёқ, газ балонлар билан қуролланиб, таниши жабрланувчи вояга етмаган А.Қахрамоновни қўлларидаги қуролни ёки совуқ қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ашёлар билан танасининг турли жойларига қасддан уриб, унга ўртача оғирликдаги тан жароҳат етказган.

Судланувчи С.Йўлдошев, А.Исаков ва А.Бегматовларни ушбу ҳаракатини содир этишда фойдаланган дастлабки тергов ҳаракатлари давомида аниқлашни имкони бўлмаган совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёлар ашёвий далил тариқасида олинмаган ва ушбу ашёни қурол ва совуқ қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган ашё сифатида инобатга олиш учун далил мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Қурол” тўғрисидаги 2019 йил 29 июль кунги 550-сонли Қонунинг 3-моддасида **совуқ қурол** “шикаст етказиладиган объект билан бевосита тўқнашиш чоғида одамнинг жисмоний кучи ёрдамида нишонни уриш учун мўлжалланган қурол;

совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёлар — касбий, ишлаб чиқариш ёки спорт фаолиятида ёхуд хўжалик-маиший мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган, саноат усулида ёки қўлбола тарзда ясалган тиғли, кесувчи ашёлар (пичоқлар, бигизлар ва бошқа учи ўткирланган санчиладиган, кесувчи ашёлар), жисмоний куч ишлатганда шикаст етказиши мумкин бўлган ашёлар (бейсбол биталари, софтбол ўйини учун биталар);

қурол — тузилишига кўра жонли нишонни ёки бошқа нишонни уриш, сигналлар бериш учун мўлжалланган қурилмалар ва ашёлар. Тузилиши жиҳатидан қуролга ўхшаш бўлган хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш мақсадидаги буюмлар сифатида сертификатланган буюмлар, шунингдек тузилиши жиҳатидан қуролга ўхшаш бўлган спорт аслаҳалари қурол жумласига кирмаслиги ҳақида тушунчалар берилган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 9-сонли Қарорининг 4-бандида, совуқ қурол деганда, ўз моҳиятига кўра



инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига қарши ишлатиш учун мўлжалланган, суд-криминалистик экспертизаси хулосасига мувофиқ совуқ қурол деб топилган нарсалар тушунилиши ҳақида раҳбарий тушинтиришлар берилган.

Судланувчи С.Йўлдошев, А.Исаков ва А.Бегматовлар томонидан жабрланувчи А.Қахрамоновга тан жароҳати етказишда фойдаланилган таёқ, газ балонлар ашёвий далил тариқасида олиниб, кўздан кечирилиб, қурол ва совуқ қурол сифатидаги фойдаланиши мумкин бўлган ашё экани ҳақида эксперт хулосаси мавжуд эмас.

Бундан ташқари, жабрланувчи А.Қахрамонов дастлабки тергов ва судда берган кўрсатувларида ҳам тан жароҳатларини газ балон сепиб, таёқ билан уриши натижасида олганлиги ҳақида кўрсатув берган бўлса-да, ушбу жисмни аниқ тасвирлаб бермаган ёки бирор гувоҳ ҳам ушбу жисмни қандай буюм эканлигини аниқ кўрсатиб бермаган ҳамда газ балондан олинган жароҳатлар мавжуд эмас.

Юқорида қайд этилган “Қурол” тўғрисидаги Қонунни 3-моддаси талаблари ва Олий суд Пленуми раҳбарий тушунтирилшарига мос келмагани сабабли судланувчини ҳаракатини қурол ёки совуқ қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ашёларни ишлатиб содир этган деб бўлмайди. Шу сабабли суд судланувчи С.Йўлдошев, А.Исаков ва А.Бегматовларнинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “м” бандини чиқаришни лозим топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи С.Йўлдошевнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди, чунки, судланувчи С.Йўлдошев танишлари вояга етмаган А.Бегматов, А.Исаков ҳам қисми ажратилган шахслар билан бир гуруҳ бўлгани ҳолда вояга етмаган жабрланувчи А.Қахрамоновни қасддан уриб, унга “ўрта оғир” шикаст етказган;

судланувчи А.Исақовнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди, чунки, судланувчи А.Исақов танишлари вояга етмаган А.Бегматов, С.Йўлдошев ҳам қисми ажратилган шахслар билан бир гуруҳ бўлгани ҳолда вояга етмаган жабрланувчи А.Қахрамоновни қасддан уриб, унга “ўрта оғир” шикаст етказган.

судланувчи А.Бегматовнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди, чунки, судланувчи А.Бегматов танишлари С.Йўлдошев, А.Исақов ҳам қисми ажратилган шахслар билан бир гуруҳ бўлгани ҳолда вояга етмаган жабрланувчи А.Қахрамоновни қасддан уриб, унга “ўрта оғир” шикаст етказган.

Суд, судланувчи С.Йўлдошевга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори тушунтиришларига амал қилиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, ёшлигини, жиноят оқибатида етказилган модий



зарар қопланганлигини, жабрланувчининг давоси йўқлигини, енгиллик бериш ҳақидаги талабини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, юқоридаги енгиллаштирувчи ҳолатларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, айбланаётган модда санкциясида белгиланмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни;

Судланувчи А.Исақовга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори тушунтиришларига амал қилиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, ёшлигини, жиноят оқибатида етказилган модий зарар қопланганлигини, жабрланувчининг давоси йўқлигини, енгиллик бериш ҳақидаги талабини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, юқоридаги енгиллаштирувчи ҳолатларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, айбланаётган модда санкциясида белгиланмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни;

Судланувчи А.Бематовга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори тушунтиришларига амал қилиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, вояга етмаганлигини, муқаддам судланмаганлигини, жиноят оқибатида етказилган модий зарар қопланганлигини, жабрланувчининг давоси йўқлигини, енгиллик бериш ҳақидаги талабини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, юқоридаги енгиллаштирувчи ҳолатларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб, унга нисбатан ЖКнинг 57 ва 83-моддаларини қўллаб, айбланаётган модда санкциясида белгиланмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни;

жабрланувчи А.Қахрамоновнинг судланувчилар С.Йўлдошев, А.Исақов ва А.Бегматовларга нисбатан моддий ва маънавий зарарлар бўйича даъвоси йўқлигини инобатга олишни;

жиноят иши бўйича ашёвий далил тариқасида олинган 1 дона ДВД дискни жиноят иши ҳужжатлари билан сақлаш учун қолдиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468-моддаларига амал қилиб, суд

Х У К М Қ И Л Д И:

Йўлдошев Султонхон Баҳодиржон ўғли (Yo'ldoshev Sultonxon Bahodirjon o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

С.Йўлдошевга Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, иш ҳақининг 20 (йигирма)



фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо ҳукми ижро этувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса ёки ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро қилиш Қўқон шаҳар ИИБ зиммасига юклатилсин.

С.Йўлдошевга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Исақов Ақром Иқромжон ўғли (Isaqov Akrom Ikromjon o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

А.Исақовга Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо ҳукми ижро этувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса ёки ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро қилиш Қўқон шаҳар ИИБ зиммасига юклатилсин.

А.Исақовга нисбатан қўлланилган шахсий кафиллик эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Бегматов Азимжон Азам ўғли (Begmatov Azimjon Azam o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

А.Бегматовга Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисмининг “и” банди билан ЖКнинг 57 ва 83-моддалари қўлланиб, иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо ҳукми ижро этувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтатирилсин.

Жазони ўташ муддати жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса ёки ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро қилиш Қўқон шаҳар ИИБ зиммасига юклатилсин.

А.Бегматовга нисбатан қўлланилган шахсий кафиллик эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.



Жабрланувчи А.Қахрамоновнинг судланувчилар С.Йўлдошев, А.Исақов ва А.Бегматовларга нисбатан моддий ва маънавий зарарлар бўйича даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

1 дона ДВД диск жиноят иши ҳужжатлари билан сақлаш учун қолдирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, маҳкумлар ва жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида ушбу суд орқали Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

имзо

П.Маматусмонов

Ҳукм нусхаси аслига тўғри:

